

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март куни Хоразм вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган бўялган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган "Develop Textile" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармони ҳамда 2017 йил 7 августдаги "Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдими билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Айни кунда ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси учун Ҳазорасп туманининг 2 та ҳудудидан 325 гектар бўш ер майдони ажратиб берилган эди. Қурилиш ва инфратузилма тармоқлари барпо этиш харажатларини камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини биринчи навбатда бўш турган бино ва иншоотлар негизда жойлаштириш бўйича таклифлар ўрганилди, яна 7 та ҳудуддан 89 гектар бўш эркин иқтисодий зона ҳудудига қўшиб берилди. Натижада "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудуди Богот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенгайиб, жами 414 гектарга етди.

Бугунги кунда "Ҳазорасп" ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўндан ортиқ лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ва сандвич панеллар, ювчи воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қувёш батареялари, стерилланган бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва

пойафзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади ва яна 500 дан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Тиббиёт тест таёқчалари, маиший техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божхона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

"Develop Textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудида истиқболли лойиҳалардан бири. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари аяқланган. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг умумий меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган.

Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкнинг кредит маблағидир. Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, мутахассислар ва тикувчилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни қўлайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўрни яратилади. Корхона йилига 4 минг тонна ҳар хил турдаги бўялган чокис тайёр трикотаж мато, 14 миллион донна трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

"Ҳазорасп" ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, юртимиз раванқи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу ерда Хоразм вилоятида амалга оширилмаган инвестиция лойиҳалари, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ҳудудларининг жойлашуви, инфратузилмани ривожлантириш, автомобиль йўлларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш, камбағалликни камайтириш ва бошқа лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари кўп йиллик лойиҳалар тузишдан воз кечиб, қисқа муддатли, самарали, бир йиллик лойиҳаларни қўлайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Янгиорқ туманидаги "Global Food Impexs" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхона кўздан кечирди.

"Global Food Impexs" МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхонада помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Янгиорқда қурилаётган 10 гектарлик иссиқхонада эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда қулупнай, гул ва қўчатлар етиштирилади.

Президентимиз ташриф буюрган иссиқхонада йилига 3 минг тоннадан зиёд бодринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нав "Юсулов" навиға ўхшаб кетади. Гектарига 400-450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25-28 кун яхши сақланади, сархиллик хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни қўлайлаштирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга рухсат берувчи ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради.

Маҳсулот Янгиорқдан Москвагача юк машиналарида 2,5-3 кунда етказиб борилади. Кўни кеча илк бор Санкт-Петербургга 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир қўчат кокос дарахти пўстлоғи бўлган маҳсус ўрамга экилади. Томчилатиб суғорилади, ўсимликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилади.

Кокос ўрами Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тадбиркорларимиз қўп маблағ сарфлайди. "Global Food Impexs" МЧЖ раҳбари Алишер Матқаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг қўп ишлатиладиган ва жуда зарур кальций нитрат ўғитининг 23-24 тоннаси юкланган катта юк машинаси Янгиорқдаги иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Бизда ишлаб чиқарила, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айланishi мумкин.

Тадбиркор кокос дарахти пўстлоғи озқаси ўрнини босувчи табиий манбани ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Ҳозирча иссиқхонани туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўрганаётир. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Ҳозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иктидорига қараб 10 миллион сўм ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни мустақил юрига олиш даражасига етгач, ёш агрономларга 40 миллион сўмгача ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона саноатида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яхши ишлаганларга кунлик, ҳафталик пул мукофотлари берилади. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териш ва қадоқлаш билан шугулланади.

Қишлоқ ҳўжалигида илм, янгича дунёқараш пайдо бўлди. Мана, ишнинг қўзини билса, катта даромад олиш мумкинлигига мисол. Хоразмнинг ери шўр. Шундай жойларда замонавий иссиқхоналарни қўлайтириш, 100-200 гектарга етказиш керак. Ҳам одамларга иш жойи, ҳам экспорт бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-саҳифада)

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency" меҳмонхонасида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда нашр этиладиган "Tarixi Şəxsiyyətlər" ("Тарихий шахслар") журнали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Йил одами" деб эътироф этилиши муносабати билан ушбу нашрнинг Ўзбекистонга бағишлаб чоп этилган махсус сони тақдими бўлиб ўтди.

ЖУРНАЛНИНГ МАХСУС СОНИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари, жумладан, қатор хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз тегишли вазирлик ва идоралари мутасаддилари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг ташки ишлар вазирлиги ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев, "Tarixi Şəxsiyyətlər" журнали Бош муҳаррири Халил Карахмедов ва бошқалар Президентимизнинг "Йил одами" сифатида эътироф этилиши унинг фаолиятига берилган ҳақоний, адолатли баҳо бўлиб, мамлакатимизда нисбатан қисқа муддатда мисли кўрилмаган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилгани, бугунги кунда дунёга юз очаетган, том маънода янгилаётган Ўзбекистон эришәтган натижалар бевосита Шавкат Мирзиёев номи билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Элчихона хузуридаги Гейдар Алиев номи Ўзбекистон маданий маркази кўмағида чоп этилган "Tarixi Şəxsiyyətlər" ("Тарихий шахслар") журналининг рус тилидаги махсус сони ("Исторические личности") да, жумладан, шундай дейилган:

"Тарихий аъёналарни тиклаш йўлидаги сермахсус фаолият, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий нуфузини жаҳон миқёсда оширишдаги мислсиз сазъ-ҳаракатлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг "Тарихий шахслар" халқаро журнали Тахир хайъати аъзоларининг яқдил қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилда "Йил одами" деб эътироф этилди".

"Tarixi Şəxsiyyətlər" журнали халқаро миқёсда ўзига хос обрўга эга нашр ҳисобланади. — дейди Гусейн Гулиев. — "Йил одами" танловининг ҳам нуфузи жуда юқори. Сабаби, "Йил одами" ни эълон қилишдан олдин хайъат аъзолари нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг турли мамлакатларидаги таниқли сибәсатчилар, давлат арбоблари ва жамоатчилик ўртасида сўров ўтказди. Кейин фикр-мулоҳазалар йиғилиб, ўрганилади, таҳлил қилинади. Шундан сўнг яқиний қарор чиқарилади. Бу гал аксарият мутахассислар бир неча номзод орасидан айнан Президент Шавкат Мирзиёевга овоз беришган. Бу жуда адолатли қарор. Зеро, давлатнинг раҳбарининг сўнгги уч йиллик фаолиятини кузатиб, таҳлил қилиб кўрилса, бошқа номзодни танлашнинг илҳами йўқ эди. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатда улкан иқобий ўзгаришлар юз бераётганини бутун жаҳон ҳамжамияти кўриб турибди. Энг муҳими, Ўзбекистон халқи ўз Президентини қўлаб-қувватламоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 2006 йилдан буюн чоп этиладиган ушбу журнал аъёнаний риважда давлат раҳбарлари, таниқли давлат ва сибәсат арбоблари орасидан "Йил одами" ни эълон қилиб келади. Ҳозирча бундай шарафли номга Туркия Республикаси Президенти Режел Таййип Эрдоғон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин сингари машҳур шахслар сазовор бўлган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Президентини маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Абдувоҳидов ва Р.Қосимов иштирок этди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
Озода БЕКМУРОДОВА,
Ўза мухбирлари.

Навоий вилояти

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди

Хатирчи, Навбахор, Кармана, Қизилтепа ва Конимех туманларида ғалла майдонларини турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишга бағишланган икки кунлик ўқув-амалий семинарлар бўлиб ўтди. Тадбирларга туман ҳокимликлари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ташкилотлари раҳбар ва мутахассислари ҳамда фермерлар қатнашди.

Семинарларда кейинги йилларда амалга оширилаётган соҳавий ислохотлар, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, сув таъминоти ва суғориш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, ғалла майдонларини турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш, пировардида ҳосилдорликни янада ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳожама қилинди.

Жумладан, Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ташкилотлар мутахассислари томонидан сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

— Биз бугунги семинарда мутахассисларнинг барча маслаҳатларини диққат билан тингладик, — дейди Кармана туманидаги "Амридин Мухлиса" фермер ҳўжалиги раҳбари Нурали Шарипов. — Сабаби, ўтган йилдаги ёгингарчиликлар сабаб юзага келган турли касалликларга қарши курашишда етарлича кимёвий ва биологик ишлов беришга бўлган эътиборсизлигимиз оқибатлари бизга унутилмас сабоқ бўлган. Шунинг учун, бугун фермерларимиз томонидан мутахассисларга кўплаб саволлар берилди ва етарлича жавоб олинди.

Отабек АСПОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон вилояти

Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Нодирабегим маҳалласида "Dinar textile" масъулияти чекланган жамияти тасарруфида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Dinar color" корхонаси иш бошлади.

Маҳсулот: сифат ва самара

Андижонда саноатни ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш, мавжуд корхоналарни қў-

лаб-қувватлаш, барқарор ишлаши учун зарур имкониятлар яратиб беришга алоҳида эътибор қарати-



лаётгани натижасида вилоятда ана шундай корхоналар сони, айниқса, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Корхонага хорижий давлатлардан энг замонавий бичув, тикув дастгоҳлари, илғор технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Умумий лойиҳа қиймати 1 миллион долларга тенг бўлган мазкур корхона йилига 1,5 миллион донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Болалар ва аёллар учун бежирим кийимлар, бошқа турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрлашимиз, — дейди "Dinar color" корхонаси раҳбари Абдурасул Абдуллаев. — Маҳсулотларимиз асосан Қирғизистон, Россия ва Украина давлатларига экспорт қилинади.

Айни кунда корхонада 350 киши меҳнат қилмоқда. Улар самарали фаолият юритиши учун барча зарур шароит яратилган. Жумладан, бепул тушлик, ишга бориб-келиш учун транспорт қатнови йўлга қўйилган. Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш ҳисобига 50 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

— Самарали иш юритишимиз учун барча қўлайликлар яратилган, — дейди корхонанинг тикув цехи ишчиси Соҳидаҳон Жалолова. — Бажарган ишимизга қараб ойига ўртача 800 минг сўмдан 1 миллион сўмгача иш ҳақи оламиз.

Корхона очилишига бағишланган тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чикди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза мухбири.

Рақамли технологиялар – тараққиёт омили
Буни ёшлар онгига синдириш муҳим

Ризқимиз манбаи – муқаддас
Унинг ўзбошимчилиги билан тасарруф этилишига йўл йўқ!

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш буйича топшириқлар берилди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Президент Янгиёриқ туманидаги "Хоразм пилла холдинг" корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллахона бўлган. Шу атрофда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйила бошлагани янгиёриқлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган "Хоразм пилла холдинг" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилди. Бунинг учун тадбиркор 1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипак, ипак момиги ишлаб чиқарилади, 50 донна замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кутилмоқда.

Хоразмда пиллани қайта ишлаш буйича илгор тажрибалар оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда "Хоразм ипаги", "Khiva silk fabric", "Urganch silwom pro" ва "Хоразм пилла холдинг" каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 мавсумий иш ўрни яратилиши мақсад қилинган.

"Хоразм пилла холдинг" корхонаси жорий йил охирига қадар "Afghan Bazar Carpets" хорижий корхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипак, жун ва пахта толаси аралашмасидан қўлда гилам тўқиш чеки очини режалаштирган. Бу яна 200 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тўздорлар ташкил қилишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бошлагани билан рақамли муҳим қадам бўлади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулида корхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

— Хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бошлагани билан ҳар бир туманда йўлга қўйилиши керак. Бу жараёнда асосан тадбиркорларни жалб этиш яхши самара беради. Ўзбек ипак маҳсулотлариға бозор бор экан, бу каби кластерларни қўлайтиришимиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Маълумки, Хива жаҳон миқёсда тарихий шаҳарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очик осмон остидаги музей, дея эътироф этиладиган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

"Ичан қалъа"да халқимизнинг ноёб меъморлик анъаналари, аждодларимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандлиги, санъати ва маданияти ўз ҳолича сақланиб қолган. Мажмуадаги 58 та тарихий-маданий мерос объектдан 17 тасида турли музейлар жойлашган.

Мажмуадаги тарихий обидаларни асл ҳолича сақлаш мақсадида реставрация ва консервация ишлари олиб борилаётган. Музей-қўриқдонининг шимол қисмида, аҳоли истиқомат қилмайдиган ҳудудда жойлашган Амир Тўра мадрасаси жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг 9,5 миллион долларлик грант маблағи ҳисобидан қайта тикланди. Натijaда ушбу ишшоот "Ичан қалъа"даги туристик объектлардан бирига айланди.

Мадраса 1872 йили барпо этилган. Чор Россиясининг Хоразмга ҳужуми туфайли обида қурилиши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморлигига хос тарзда икки қаватли қилиб қурилган. Бу ерда 54 та ҳужра бўлиб, икки саҳн қошн билан қўпланган. Шунингдек, 2 та гумбазли хона, қишки ва ёғзи масжидлар, дарсхона бўлган.

Давлатимиз раҳбари "Ичан қалъа"да халқимизнинг

бебаҳо маданий мероси мужассам эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар аждодларимизнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Тарихий биноларни сақлаш ҳамма даврларда энг катта муаммо бўлиб келган. Хива Ўзбекистонда тарихий обидаларни таъмирловчи реставраторлар мактаби бўлган. Бугун ана шу мактабни қайта тиклаш вақти келди, — деди Президент. — Амир Тўра мадрасаси реставраторларни ўқитадиган мактаб бўлади. Бу ерда усталарга Самарқанд, Фарона, Кўкун реставрация мактаблари анъаналари ўқитилади. Сайёҳлар кундузи реставраторлар ишини кўрса, кечки пайт бу ерда тарихий саҳналар, хон қабуллари намойиш этилади. Шундай қилсак, бу обидаларда ҳаёт қайнайди.

Туризм мамлакатимизда стратегик соҳалардан бирidir. Хоразм вилоятида ҳам бу борада улкан салоҳият мавжуд. Ундан оқилона фойдаланиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоятда туризмин ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурда Хоразмнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган. Унга кўра, келгуси икки йилда вилоятда 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Туризм лойиҳалари вилоятнинг барча туманларини қамраб олади.

Жаҳонда кузатилаётган коронавирус таҳдиди туризм бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бунинг олдини олиш ва соҳани рақамли ривожлантириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилди. Давлатнинг институционал кўмаги, ҳукуматлараро ҳамкорлик, логистика, туризм салоҳияти тарғиботи, икки туризм ойлари ва ҳафталикларини, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" лойиҳалари ана шундай чоралар сирасига кириди. Шунингдек, минтақавий туризм ҳар йили туризм йўналишида 50-60 нафар малакари кадр тайёрланади.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириладиган бундай тадбирлар натижасида 580 минг хорижий сайёҳни жалб қилиш ва туризм хизматлари экспортдан 94 миллион доллар даромад кўриш режалаштирилган. Шунингдек, икки туризм орқали 5 миллион юртодмизимизнинг саёҳатларини ташкил этиш ва қўшимча 840 миллиард сўм тушумга эришилади.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили" Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда таълим йўналишида лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Хоразм вилоятида Малайзиянинг "Binay" университети филиалини, Урганч давлат университетиде маданий меросини бошқариш, гд ҳамоҳлиги ва таржимонлик йўналишларини очиб режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда ҳар йили туризм йўналишида 50-60 нафар малакари кадр тайёрланади.

Хоразм лагзими ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номодий маданий мерос рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда Япония, АҚШ ва Европа давлатларида лагзими қизилари ортб бормоқда. Ушбу санъатни ёшларга етказиш, хорижликларга маҳорат дарслари ўтиш учун Хоразмда лагзи академияси ташкил этилади. Бу ҳам халқимизнинг номодий маданий меросини дунёга тарғиб этишга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортқ балиқчилик фермер ҳўжалиги мавжуд. Бу гастрономик туризмин ривожлантириш учун қўлай имкониятдир. Ундан фойдаланиш мақсадида 71 та кўлда халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини қўлайтириш мўлжалланмоқда.

Афсуски, бизда ҳозир фақат балиқ ови ва гастрономик хизматлар кўрсатилади. Аслида Хоразмда биргина ушбу йўналишда ўндан ортқ хизматни йўлга қўйиш мумкин. Бу йўналишни ривожлантириш ва келгусида Хоразмни балиқчилик, яъни "Fishing culture" марказига айлантириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Франция ва Россия телекомпаниялари билан Хоразм балиқчилигига бағишланган кўрсатувлар суратга олинмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда туризмнинг роли катта. Хоразм мисолида "Туристик маҳалла", "Туристик қишлоқ" концепциялари ривожлантирилди. Бунинг учун туртта қишлоқ танлаб олинди, уларда саксонга яқин меҳмон уйлари барпо этиш, ҳудудларнинг ҳунармандлиги, агро ва этнотуризмни кўрсатиш мўлжалланаяпти.

Вилоятда тематик парклари ривожлантириш буйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, Хоразм заминидан қўлаб буюк аждодларимиз этишиб чиққан. Уларнинг мум ҳайкаллари ва фото зоналарини ташкил этиш мўлжал-

ланмоқда. Улардан дастлабки тўрттаси "Ичан қалъа"да ўрнатилди. Йил охиригача ўндан зиёд аждодларимизнинг ҳайкаллари ўрин олади.

Хива туманида "Анор", "Анжир", Янгиёриқ туманида "Меннонит қишлоғи" тематик парклари барпо этилади. Натijaда қўлаб янги иш ўринлари яратилади, ҳудудларнинг туризм жозибадорлиги ортади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шаҳарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

— Бизники сингари буюк тарих ер юзиде жуда кам. Жаҳолиддин Мангубердидек буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боболаримиз тарихини ўргатадиган масканларни қўлайтирсак, ҳам даромад келади, ҳам халқимизга тарихимизни ўргатамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Хива шаҳридаги бирорта обидеа эътиборсиз қўлмаслиги, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида дунёдаги гўзал туристик масканлардан бирига айланиши лозимлигини таъкидлади. Вилоятда туризмин ривожлантириш борасида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабиде яратилган шароит билан танишди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда билимли ёшларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда таълим равишида ижод ва иختисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани мактаб таълимини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш, барча соҳалар учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга имконият яратмоқда.

Президент мактабларининг дунёда муқобили йўқ. Ушбу йўқ даргоҳларида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари буйича инглиз тилида олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида дастлабки Президент мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқи равишида ижод ва билим олиш учун қўлай. 2019 йил сўнгида фойдаланишга топширилган билим маскани вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув куроллари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам ишноватидан ёндашилди. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг "STEAM" дастури буйича дарслик ва ўқув қўланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратди.

2019-2020 ўқув йилида 5-10 синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабиде дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлади.

— Мана шундай масканларда қўлаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришаётган ютуқлар, юртимизга тегаётган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Жизжаз, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёнини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Ў.А

ФАРМОН ВА ИЖРО

Ер – ризқ-рўзимиз манбаи. Ота-боболаримиз қадимдан унинг ҳар бир қаричини эъозлаб, ундан оқилона фойдаланиб келишган. Бироқ, бизнинг давримизга келиб бу бебаҳо бойлик айрим кимсалар учун шахсий манфаат учун хизмат қиладиган омилга айланди.

Ер чўнтақни ноқонуний қаппайтириш манбаи эмас

Бундай ноҳуш ҳолатга барҳам бериш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш прокуратура органлари зиммасига юклянди. Ушбу Фармон ижроси буйича вилоятимизда прокуратура, ҳокимлик, икки ишлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан режали ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жойларда сектор раҳбарлари бошчилигида Ишчи гуруҳлар тузилиб, уларга ҳудудлардаги ерларни, айниқса, қишлоқ ҳўжалигидаги сугориладиган майдонларни тўлиқ хатловдан ўтказиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ҳокимликларда эса доимий фаолият юритувчи штаблар тузилган бўлиб, улар томонидан мониторинг натижалари кунлик таҳлил қилиниб, аниқланган ноқонуний ҳолатларни бартараф қилиш чоралари қўрилмоқда.

Фармон ижроси буйича ишлаётган ишчи гуруҳлар томонидан ҳозирда ўтказилган хатловлар давомида 463 та ҳолатда 70,4 гектар ер майдонлари фуқаро ва юридик шахслар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинганлиги, 828 та ҳолатда 55,2 гектар майдонларга ноқонуний қурилмалар қуриб олиш ҳолатлари аниқланди. Бугунги кунда ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ерларнинг 28,8 гектари ҳокимликлар захирасига қайтарилди, ноқонуний қуриб олинган қурилмалардан 62 ҳолатда ёки 3,5 гектардаги бино-иншоотлар буздирилди.

Бугунги кунда жами 3,872 гектар ер майдонлари ҳокимликлар захирасида бўлиб, ушбу майдонларнинг 2511 гектари сугориладиган ерлардан иборат. Бироқ, сугорил тармоқлари узоқ йиллардан буён яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли бу майдонларга экин экиш имконияти бўлмапти. Ҳозирда ушбу майдонларни талабдорларга бериш борасидаги ишлар устидан назорат ўрнатилган.

Шу билан бирга ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган мониторингларда фуқаро ва юридик шахсларга туман ҳокимларининг қарорлари билан 4,566,3 гектар ер майдонлари ноқонуний тарзда ажратиб берилганлиги ҳолатлари аниқланди ва ушбу қарорларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протестлар келтирилди.

Бундан ташқари, 105 та ҳолатда 439 гектар (сувли, яйлов) ер майдонлари (қурилиш остига) ноқишлоқ ҳўжалиги мақсадлари учун ажратилганлиги аниқланиб, уларга нобудгарчилик ўрнини қоплаш учун 5,7 млрд. сўм маблағ ҳисобланади. Шундан 84 ҳолатда 3,6 млрд. сўм маблағ ундирилиши таъминланди. Қолган 21 ҳолатдаги 2,1 млрд. сўм нобудгарчиликни ундиришга қаратилган чоралар қўрилмоқда.

Мазкур йўналишда ўтказилган мониторинглар давомида, мансабдор шахслар номига 12 та тақдирнома киритилди, ҳокимларнинг 222 та асоссиз қарорларига протестлар келтирилиб, 4,562,4 гектар ер майдонлари захирга қайтарилди, 11 нафар мансабдор шахслар маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди, 62 ҳолатда 3,5 гектар майдонга ноқонуний қуриб олинган қурилмалар буздирилди, 17,7 гектар майдонга ноқонуний қурилган бино-иншоотлари буздириш ҳақида судларга 239 та даъво аризалари киритилиб, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди ҳамда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари буйича паспортлар шакллантирилди.

Ҳозирда бу борадаги назорат тадбирлари давом этмоқда, аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ҳолатларини жойида бартараф этишга қаратилган барча чоралар қўрилади.

Одил РЎЗИЕВ,

Сирдарё вилояти прокуратураси Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳоли ва ёшлар учун рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда.

Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди

Ушбу ўқув марказларидан бири Гурлан туманида очилиб, ўз иш фаолиятини бошлади. Унинг очилиш маросимиде вазирлиқнинг ҳудудий бошқармаси, тизимдаги корхона ва ташкилотлар масъул ходимлари ва соҳа фахрийлари иштирок этди.

Ўқув марказини ташкил этиш учун "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалига қарашли бўш турган бино танлаб олинди ва тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Рақамли технологиялар ўқув маркази замонавий компьютер технологиялари, робототехника жиҳозлари, проектор, киберспорт ўйинлари ускуналари ва бошқа сўнги рўсумдаги техника воситалари билан жиҳозланди.

— Ушбу ўқув маркази келгусида ахборот технологиялари, дастурлаш соҳаларида инновацион ишланмалар яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиши учун хизмат қилади, — дейди меҳнат фахрийси Амин Вафоев. —

Фарзандларимизнинг замон билан ҳамқадам бўлаётганидан хурсандимиз. Ўқув марказида корхона ва ташкилотлар ходимларининг замонавий ахборот технологиялари соҳасида малакасини оширишлари ҳам йўлга қўйилди. Компьютер саводхонлиги, дастурлаш, робототехника, интернетдан фойдаланиш, киберспорт йўналишларида тўғрақарлар ҳамда бошқа бир қатор йўналишларда ўқув курслари ташкил этилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда "Бир миллион ўзбек дастурчиси" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳудудларда ташкил этилаётган рақамли технологиялар ўқув марказлари ёшларнинг ушбу йирк лойиҳада фаол ва самарали иштирок этишларида кўмақдош бўлади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг тақдимоти бўлиб ўтди

Мамлакатимиздаги муҳим халқаро воқеалардан бири бўлиб қолаётган "Қишлоқ ҳўжалиги – AgroWorld Uzbekistan" Халқаро кўргазмаси жорий йилда ўзининг 15 йиллик юбилейини нишонламоқда. Ушбу кўргазма доирасида Ўзбекистонда Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотни Қишлоқ ҳўжалиги вазирининг ўринбосари Баҳодир Холиқов кириш сўзи билан очар экан, унда белгиланган вазифалар, устувор йўналишлар билан иштирокчиларни таништириб ўтди.

— Сизга Европа Иттифоқи, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар ва ҳамкорлар кўмагида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тақдим этаман, — деди у. — Стратегиянинг асосий мақсади, фермерларнинг даромадларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишни таъминлайди-

ган рақобатбардош, бозорга ва экспортга йўналтирилган қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат тармогини ривожлантириш ҳисобланади. Унда 10 йил ичида биз босқичма-босқич амалга оширадиган 9 устувор йўналиш белгиланган. Жумладан, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қўлай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжири яратиш, соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойда-

ланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш, тармоқни қўлаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш, қишлоқ ҳўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва тармоқ статистикасининг шифоф тизимини ишлаб чиқиш. Юқоридеги устувор йўналишлар мамлакатнинг иқтисодий аҳо-

лини мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Соҳани ислоҳ қилиш мақсадида 117 та тадбир белгиланган, стратегияни самарали амалга ошириш учун 50 та асосий индикатор ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилган ва 20 дан ортқ янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатимиздаги иқтисодий вазиятнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишига ишонамиз.

Нотиқ маърузасини давом эттириб, стратегияда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун идораларо мувофиқлаштириш учун кенгаш ва ривожланиш буйича донор шерикларнинг маслаҳат гуруҳи ташкил этилгани, улар қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат конгрессини ва махсус техник ишчи гуруҳларни қотибят билан биргаликда

мувофиқлаштириб боришини таъкидлаб ўтди.

— Ушбу ўзгаришларнинг асосий мақсади, аграр тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчиларни қўлаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этишдир. Ушбу ислоҳотлар нафақат норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, балки соҳа имкониятларини кенгайтиришга зарур бўлган инвестицияларни йўналтириш ҳамда давлат ва хусусий секторлар ўртасида янги ҳамкорлик механизмларини жорий этишга қаратилган. 2030 йилга қадар биз эришмоқчи бўлган мақсадлар ўринли. Ушбу стратегияда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамкорлик учун ўз миннатдорчилигини бизни билдиради. Иштирокчилар ва журналистлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Ойқорнинг бетакрор манзараси
Наботот ва ҳайвонот олами уйғонмоқда

Боксчиларимиз олимпиадага боришади
Яққол устунлик намойиш этилди

Бахмалнинг Ойқор тоғи ёнбағирлари ва паст текисликлари наботот ва ҳайвонот дунёсига бой. Баҳор келиши билан табиат уйғониб бу сўлим масканда тирикчилик нишонлари пайдо бўлади. Шаршаралар тепаликдан кучли ҳайқирик билан отилиб тушади. Жилғалар дарёга қўшилади. Жанубдан турфа хил қушлар учиб кела бошлайди. Лойхўрак, ёввойи ўрдак, қорабузов, чуғурчиқ, беданамушак каби кўплаб қушлар қурт-қумурсқа ва ҳашаротларга қирон келтиришади. Йил қурғоқчилик келган кезлари ҳам бу қушларнинг экинларга зиёни тегмайди.

Лойхўрак кўрак қуш. Ташқи кўриниши чипор бўлиб, тумшуги узун, кўзлари катта-катта ва жуда сезгир. Тумшуги ов учун беназир қурол, тирноқлари ҳам яхши иш беради. Бу жараёнда у ўз топқирлигини намойиш эта олади. Унинг назокати, нафосати ва гўзаллиги беқиёс.

Бу беозор қуш ҳавога кўтарилганида аранг учеди. Улар тўда-тўда бўлиб бараварига қанот силқишади. Бундай парвоз қилиш улар кучини тежайди ва хавф-хатарлардан огоҳ бўлиб туриш имконини беради.

Эрта баҳорда лойхўраклар овоз чиқариб, шовқин солиб, ғақиллаб ўлкамизда пайдо бўлишади. Улар бошқа қушларга қараганда илгарироқ учиб келишади. Майдонни кўплаб қушлар ишғол қилишади. Кўпайиб мавсуми улар учун катта аҳамиятга эга. Қизиги, нар лойхўрак макиёнини кўздан қочирмай ишқ куйини қуйлаб ёнига чорлайди. Бир-бирларига мос тушганларидан кейингина жуфтлашади. Шундан сўнг улар учун масъулиятли дамлар бошланиб, дарахт шохлари ва буталар орасига ин қуришади. Кўпайиб улар ҳаётининг асосини ташкил этади.

Кундан-кун ҳарорат кўтарилиб, яшил либосга бурканган дов-дарахт, ўт-ўлан ва анвойи гулларнинг ажойиб гилами кўзни яшнатади. Бу сўлим масканда ниш ураётган ўсимликларнинг ўнлаб турларини учратиш мум-



Баҳор элчиси

кин. Роҳатмакон жой. Озуқа мўл-кўл. Барча тирик мавжудотларни емиш билан таъминлашга этади.

Кутилмаганда тонг сахар ҳавза бўйларига ўғринча ов қилувчилар изғиб қолишади. Бу ҳол лойхўракларни чўчитиб, ўз кўноқларидан маҳрум қилишади. Беозор жониворлар ғақиллаб ўн-ўн беш одим наридаги бутазор ичига яширинишга мажбур бўлишади. Хилватгоҳда ҳар доим сергак ва ҳушёр туришга одатланган махсус кийимдаги нозир Содиқ амаки бегоналар шарпасини пайқаб қолиб осмонга қарата кетма-кет ўқ узади. Бу огоҳлантиришдан нишона эди. Лекин улар ўқни ким узганилини билишсаларда бу ердан кетиш-

га шовилмасди. Нозирнинг эса фиғони фалак.

Уша субҳидам нозирнинг ақлидроки ва тажрибаси устун келиб, Ҳа-беозор жониворларга ҳеч қандай шикаст етказилмади. Тонг ёриш-гач у лойхўраклар сони ҳудудда тахмин қилганидан ҳам кўплигидан севиниб кетди.

Кўёш уфққа бош қўйганида тоғ ёнбағирлари ва паст текисликларда қушларнинг ажойиб томошасини кўриш мумкин. Кўплаб қушлар уяларига қайта бошлайдилар. Шунда қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурон бошланади. Бир жуфт лойхўрак эса совуқдан жунжикиб, қотиб турибди. Уфқда шафақнинг элас-элас шуълланиши эртанги куннинг яхши бўлиши-


дан дарак беради.

Лойхўраклар у ёндан бу ёнга, баъзан айланиб ҳам уча олади. Кучли шамол ҳам уларга таъсир қилмайди. Шунинг учун ўғринча ов қилувчилар бу қушларнинг қаерда ва қачон бўлишини ҳар доим ҳам билавермайди. Баъзан нолок кимсаларнинг маҳорати ва ури-нишлари ҳам иш бермай қолиши мумкин.

Ўлкамизда яна баҳор нафаси уфуриб қолди. Ҳаво секин-а-ста илйи бошлади. Лойхўраклар озуқа илйини ҳавза бўйларига қанот қоқиб учиб кела бошлайди. Уларнинг сув бўйида чўқилаши одатий ҳол. Қушлар ҳафсала ва чидам билан озуқа излашади. Ҳашаротлар ҳали инидан чиқмаган. Серёгин кунлар давом этиб, тоғ ёнбағирлари ва пасттексисликларини сув қатлами қоплаб олди. Мавсумий ёмғирлар дарё ва жилғаларнинг тошишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида қушларнинг ҳам яшашига ҳалал беради. Шунда лойхўраклар тез-тез офтоб нуридан баҳра олиб, хордиқ чиқаради.

Йилнинг бу фаслида ҳарорат кўтарилиб, турли ҳашаротлар, қурт-қумурсқа ва личинкалар кўпая бошлайди. Қушларнинг бошқа емишлари ҳам бор. Ҳа-демай, улар базми жамшидни бошлаб юборишади. Кенг майдон ва ҳавза бўйларига қушлар сон-санокис. Улар эрта тонгда-ноқ қанот қоқиб, турли товушлар билан осмону фалакни тўлдириб юборади. Бу товушлар ўзаро мулоқот вазифасини ҳам ўтайди. Само уммонида чарх ураётган хилма-хил қушларни кўриб кўз қувнайди. Ҳаёт мароми давом этаверади.

Зулхумор КЕНЖАЕВА,
Жиззах шаҳридаги
22-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.



Бақодир Жалолов лицензион турнирга чиройли якун ясаб берди

Иорданиянинг Аммон шаҳрида Осиё/Океания минтақалари учун бокс бўйича Токио-2020 лицензион турнири ўз якунига етди. Унда терма жамоамиз боксчилари ҳам муносиб иштирок этишди. Мусобақанинг сўнгги кунинда терма жамоамизнинг етакчи вакилларида бири Бақодир Жалолов (+91 кг) нафақат боксчиларимиз, балки турнир ҳисобидан охириги жангида иштирок этди.

Австралиялик Жастис Хьюнига қарши рингга кўтарилган Жалолов кучли зарбалари билан галабани ўз томонига оғдирди ва ушбу муваффақияти билан делегациямизнинг мусобақадаги иштирокига чиройли якун ясаб берди. Шу тарихи Иорданияда ўтган лицензион

турнир орқали терма жамоамиз Токио-2020 ёзги Олимпия уйинлари учун еттита лицензия, шунингдек, 3 та олтин ва 3 та бронза медалларига сазовор бўлди ва эрақлар ўртасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

Мусобақада Токио-2020 Олимпия уйинларига йўлланма олган боксчиларимиз рўйхати:

- 52 кг: Шаҳобиддин Зоиров
- 57 кг: Миразизбек Мирзахалилов
- 63 кг: Элнур Абдураимов
- 69 кг: Бобоусмон Батуров
- 91 кг: Санжар Турсунов
- +91 кг: Бақодир Жалолов
- 51 кг: Турсуноя Раҳимова

Мусобақада қуйидаги боксчиларимиз шоҳсупага кўтарилишди:

- ОЛТИН МЕДАЛЬ:**
- 57 кг: Миразизбек Мирзахалилов
 - 63 кг: Элнур Абдураимов
 - +91 кг: Бақодир Жалолов
- БРОНЗА МЕДАЛЬ:**
- 52 кг: Шаҳобиддин Зоиров
 - 69 кг: Бобоусмон Батуров
 - 91 кг: Санжар Турсунов

Маркс ЮСУПОВ

РЕКЛАМА

JOHN DEERE

MONOSEM

«Monosem» компанияси пахта, мош, мақкажўхори ва соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ +[998] 90 325 49 99 +[998] 93 181 11 66 +[998] 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ПЛАНЕТА SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиши йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:

Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxl@mail.ru Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертификатланган.

*"UNIVERSAL START MAXIMUM" МЧК (СТП 205599616) ягона муассисининг 2020 йил 20 февралдаги қарорига асосан Тошкент ш. М.Улуғбек т. Олимпия кўч. 26-уйда жойлашган "UNIVERSAL DEPOSIT" МЧКга қўшилди йўли билан қайта ташкил этилади. "UNIVERSAL START MAXIMUM" МЧКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари "UNIVERSAL DEPOSIT" МЧКга ўтади.

*"EXTRAVAGANT ROAD BUILD" МЧКнинг (СТП 207132822) устав фонди 2 211 055 324 (икки миллион икки юз ўн бир миллион эллик беш миң уч юз йигирма тўрт) сумдан 2 066 555 324 (икки миллион олти миң олти миллион беш юз эллик беш миң уч юз йигирма тўрт) сумгача қамалтирилди. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. М.Улуғбек т. Катта Даргон кўч. 14-уй.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди.
5 131 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 01.50

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ